



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 8 май, № 94 (7324)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЭРТАНГИ КУНГА МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК ҲИССИ БИЛАН ЯШАШ, ХАЛҚИМИЗГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ОЛИЙ БУРЧИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган йирик лойиҳалар ва аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида 6-7 май кунлари Фарғона вилоятида бўлди.



Давлатимиз раҳбарининг вилоятларга ташрифи чоғида ўша ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаш учун алоҳида-алоҳида режалар қилиш аънамага айланган. Фарғона вилоятига ташриф ҳам шундай бўлди.

Шавкат Мирзиёев 6 май кунини вилоятдаги йирик лойиҳалар билан танишар экан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобида туманларга саноатни олиб кириш, бандликни таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини рўёбга чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Ҳудудда ўтган бир йилда эришилган натижалар чуқур таҳлил қилиниб, келаси йилга мўлжалланган вазифалар муҳокама этилди. Дунё бозорига чиқиш учун рақобатбардор бўлиш, саноат ўртача ривожланган туманларда экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, энг асосийси, вилоят иқтисодиётига сармоя, тех-

нология ва инновацияларни жалб этиш бўйича тегишли йўналишлар белгиланди. Ташрифнинг иккинчи кунини Фарғона шаҳрида вилоят фаоллари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, нурунийлар, тадбиркорлар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев сўзининг аввалида йиғилганларни, бутун халқимизни Рамазон ойи ҳамда яқинлашиб келаётган Хотира ва Қадрлаш кунини билан табриклади.

2018 йили Фарғона вилоятида саноат 8 фоиз, хизмат кўрсатиш 9 фоиз, ўзлаштирилган инвестициялар 1,5 баробар ўсган. Лекин аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот республика кўрсаткичидан анча пастиги, Қўшғана, Фурқат, Олтиариқ, Фарғона, Ёзёвон туманларида саноат ривожланмагани қайд этилди. Шу боис вилоятни 2019-2020 йилларда ривожлантириш бўйича умумий қиймати 26 триллион 401 миллиард сўмлик 643 та лойиҳадан иборат янги ҳудудий инвестиция дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастур доирасида 2,5 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилиши ва 31 миңдан зиёд иш ўринлари яратилади.

Масалан, Бешариқ туманида "Фарғона Ясин қурилиш моллари" корхонасида 200 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилиб, жорий йилда 800 миң тонна ва кейинги йилдан 1,2 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Қўқон шаҳрида "Индорама" компаниясининг 70 миллион доллар тўғридан-тўғри сармояси ҳисобидан Қўқон суперфосфат заводи модернизация қилиниб, фосфорли ўғит ишлаб чиқариш қуввати 100 миң тоннадан 375 миң тоннага етказилади. Учкўприк туманидаги "Шаффоф омад-туман саноат" корхонасида жами 30 миллион доллар сармоя ҳисобидан автомобиллар учун йилгига 350 миң дона газ баллонни, 2020 йилдан юк кўтарувчи электр каралар, минитракторлар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун ускуналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга дастурдаги ҳар бир лойиҳани амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини тасдиқлаб, ижросини таъминлаш юзасидан топшириқлар берди. Фарғона вилоятига инвестиция олиб келиш, саноат ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича бир йил фавқуллодда сафарбарлик эълон қиламиз. Ана шунда ўзгариш бўлади. Келаси йил май ойида ҳокимликлар, барча вазирликлар қилинган ишлар ҳақида ҳисобот беради, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз йиғилишда аҳолини иш билан таъминлаш, даромадларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида ўз бизнесини бошламоқчи бўлган оилаларни аниқлаб, икки-уч ой ичида ишларга белгиланган миқдордаги имтиёзли кредитларни тўлиқ ажратиш зарурлигини таъкидлади.

Фарғона — моҳир ҳунармандлар, уста деҳқонлар юрти. Бу ернинг кўнчилиги, боғдорчилик аънавалари — тайёр бренд. Бундан фойдаланиб, вилоятда чарм ва пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича қўшимча лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, "Чарм-атторлик маркази" ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Келгуси икки йилда Олтиариқ туманида 3 миң гектар майдонда узумчилик, Кува туманида 2 миң гектарда анорчилик, Қувасой шаҳрида 2 миң гектар майдонда гилосчилик кластерлари ташкил этилиши маълум қилинди. Ушбу кластерлар ўзлари мева етиштириш билан бирга, аҳолидан ҳам сотиб олади. Бунинг учун хонадонларга 15 миллион туп ток, 10 миллион туп гилос ва 5 миллион туп анор кўчатлари етказиб берилди. Бу ҳам аҳоли даромадларини, ҳам вилоят экспорт салоҳиятини оширади.

9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини

УРУШ ФАХРИЙЛАРИГА ПУЛ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛМОҚДА

Президентимизнинг 23 апрелдаги "Хотира ва Қадрлаш кунини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ераниязов Қораўзақ туманида истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийси Генжемурат Алланиязов хонадонига ташриф буюрди.

Фахрий билан мулоқот чоғида бугунги тинч-тотув ва фаровон кунлар учун фидойилик кўрсатган инсонлар олдида қарздор эканимиз, улар доимо давлатимиз эътиборида, халқимиз эъзозидоғи таъкидланди.

Генжемурат ота Алланиязовга Президентимиз номидан 7 миллион 500 миң сўм миқдоридаги пул мукофоти тантанали равишда топширилди. Шунингдек, отахонга бир бош соғин ситгир, телевизор ва кир ювиш машинаси тўхфа этилди.

Фарғона вилоятида

Факт ва рақамлар

2018 йилда:
152,7 миллион доллар миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилди.

2019 йил январь — март ойларида:
66 миллион долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

Ўтган йили қўшма корхоналар сони 80 тага кўпайиб, 283 тага етди.

«Халқ сўзи»

ДУНЁ НИГОҲИ

«Global Atlanta»: «ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИЛАНИШЛАР ДАВРИ»

Америка Қўшма Штатларининг "Global Atlanta" ҳафталик газетасида юртимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришларга бағишланган мақола чоп этилди.



Муаллиф Тревор Уильямс (Trevor Williams) 2016 йилдан бошлаб Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини қамраб олган кенг кўламли янгилашни жараёни бошланганини қайд этади. Бир пайтлар вақиллар ўзбекистонни ҳатто дунё харитасидан топа олмаган бўлса, эндиликда барчаси бошқача, яъни республика ҳалқаро майдондаги обрў ва эътибори изчил юксалиб бормоқда.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ



«ЭЛЕКТРОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ» ТИЗИМИ ҚАЧОН ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ?

"Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналиши сифатида ҳар кимнинг ахборотни эркин олиши ва тарқатишига доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланилишини таъминлаш белгиланган.

Сенатор мушоҳадаси

МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ — ЯГОНА МАҚСАД ЭМАС

АММО УСИЗ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТИ БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ КўРСАТОЛМАЙДИ.



«Global Atlanta»: «ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИЛАНИШЛАР ДАВРИ»



Бундан ташқари, Халқаро меҳнат ташкилоти ва АҚШ ҳукумати Ўзбекистонда мажбурий меҳнатни бартараф эттириш бўйича эришилган муваффақиятларни эътироф этди...

дейди америкалик журналист. Ўзбекистон ўз халқига ва ташқи дунёга очилмоқда. Давлатимизнинг ташқи сиёсатидаги ўзгаришларга тўхталар экан, «Global Atlanta» Афғонистон масаласини эслатиб ўтади.

«Global Atlanta» шарҳловчиси давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очкиклиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича ҳаётга татбиқ этилган янгиланишларнинг муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлайди.

«Ўзбекистонда илк бор «Америка овози» аккредитация қилинган халқаро ҳамжамият томонидан илқ кутиб олинди».

Президент Шавкат Мирзиёев «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» тамойилини амалиётга жорий қилмоқда,

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тўғрисида.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

«БУГУНГИ КУНГА ЕТИШНИНГ ЎЗИ БЎЛМАГАН»

Қашқадарё вилоятида бугунги кунда 66 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва 4087 нафар уруш орти фахрийси истиқомат қилади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 23 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармониغا асосан, уруш қатнашчиларига 7 миллион 500 минг сўмлик бир мартали пул мукофотлари тантанали топширилмоқда.

— Бу йил тўқсон олти ёшни қаршилайман, — дейди Ҳузур туманидаги Совбоғ қишлоғида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Эрнатар бобо Ҳасанов. — Албатта, бугунги бахтли кунларга етишнинг ўзи бўлмаган. Уруш йиллари тинчликнинг нақадар бебаҳо неъмат эканлигини ин-ичимиздан ҳис эт-

ганмиз. Озод ва обод Ватанда фаршайланган, — дейди Ҳузур туманидаги Совбоғ қишлоғида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Эрнатар бобо Ҳасанов. — Албатта, бугунги бахтли кунларга етишнинг ўзи бўлмаган. Уруш йиллари тинчликнинг нақадар бебаҳо неъмат эканлигини ин-ичимиздан ҳис эт-



Аҳад МУҲАММАДИЕВ («Халқ сўзи»).



У 1926 йили Фарғона вилоятининг Бешарик туманида туғилган. 1944 йилнинг ноябрь ойида, яъни энди 18 ёшга тўлганда армия сафига қаққирилган. Бугун унга фронтда ўтган азобли кунларини эслаш оғир. Бир сафда жанг қилган, лекин она Ватанига қайтиш насиб этмай жангдошларда ҳалок бўлган сафдошларининг хотира-си уйга толдиради, юракка оғриқ беради.

ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ҚАДРИ

— Бобо, уруш нима? — ... — Бобо, тинчлик нима? — Иккаласини ҳам бир сўз билан ифода қилиш бўлмайди. Қўрган-кечирганларини сўзлаб бераман. Уруш нимаю, тинчликнинг қанчалар азизлигини билиб оласан, болам... Ҳулум бобо Маҳжамов яна уйга толди.

дан ҳеч кимни топа олмадим. Отам ва опам вафот этган, укам, онам ҳамда опамнинг фарзанди қўшимизнинг уйда яшашапти. Урушга кетганимдан сўнг соғинч ва алам кўз ёшлари онамнинг кўзларидан нурни олган экан, кўрмай қолди. Хизматда бўлганим учун ҳар ойда бир марта оиламизга 25 сўмдан бериб туришаркан. Олти йил давомида шу пулга кун кечирибиди. Ишни уйимизни таъмирлашдан бошладим. Меҳрибонлик уйига ишга жойлашдим. Ҳеч қанча вақт ўтмасдан Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлик қўмитасига ишга кирдим. Соҳам бўйича Ленинград ва Москва шаҳарларида ўқидим. 36 йил ҳарбий соҳада ишладим. Турмуш ўртоғим билан икки ўғил, тўрт қизни тарбиялаб, вояга етказдик. Бугун улар турли соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда. Ҳозир 12 нафарам ва 10 нафар чева-рамнинг қамолдан мамнунман. Бугунги кунда юртни, Юртбошини дуо қилиб ўтирибман. Энг муҳими, ёш кексага бирдек гамхўрлик кўрсатилаётган мамла-

бираларга бугунги осойишта кунларни қадрланг, ўқинг, эл қорига ярайдиган одам бўлинг, дейишдан чарчамайман.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига пул мукофоти ва қиммат-

баҳо совғаларни топширишга бағишланган тантанали тадбирлар давом этмоқда.

«ЭЛЕКТРОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ» ТИЗИМИ ҚАЧОН ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ?



Хусусан, марказда фуқароларга ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда етарли шароит яратилмагани қайд этилди.

талари, шу жумладан, телефон ва локал тармоқларни ўрнатилган бўлиб, уларнинг бажарилиши ҳам сустиглигига қолаётди. Чунони, марказ томонидан шу кунгача беморларни масофадан шифокор қабулига ёзиш имконияти яратилмаган. Навбатни бошқариш бўйича ҳеч қандай тизим ўрнатилмаган, «электрон навбат», масофадан навбатни банд қилиб қўйиш имконияти йўқ.

Марказнинг аҳолига қўйиш имконияти йўқ. Марказнинг веб-сайти Қонун ва Ҳукумат қарори билан тасдиқланган низом талабларига жавоб берайди. Марказ филиалларининг веб-сайтлари ҳам қониқарсиз аҳолида.

Бундан ташқари, Марказдаги ягона маълумотлар базаси (канцлер-регистр) ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган ва бугунги кунда республика бўйича ушбу маълумотлар электрон рўйхат мавжуд эмас.

Воҳда экин ерларининг шўрланиши даражаси юқори. Сув тақчил. Ваҳоланки, тупроқда етарли намлик бўлмаса,

Зиёда АШУРОВА.

МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ — ЯГОНА МАҚСАД ЭМАС

АММО УСИЗ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТИ БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ КЎРСАТОЛМАЙДИ.



Айтиши мумкинки, бу мамлакатимиз тарихи ва ҳаётда илк бор жорий этилаётган ва келажакда ўзининг улкан самарасини берадиган мулк янги тизим бўлиб, ўзини тўла оқлашига ишончимиз қомил.

Ушунингдек, бюджетга қўшимча манбаларни аниқлаш ва сафарларда ўрганишлар ҳамда амалий ёрдамлар ташкил этилган. Утган йили қўшимча даромад жалб қилиш юзасидан жойларда олиб бориладиган ўрганишларда ишчи гуруҳлар билан 1 миллион 910 минг нафардан ортиқ солиқ тўловчилар таҳлил қилиниб, унга асосан, жами 4 триллион 722 миллиард сўм миқдорда қўшимча манбалар аниқланган. Албатта, бу пуллар ҳалқ фаровонлигини ошириш, ижтимоий объектни ва ички йўлларни қуриш-таъмирлаш ишларига йўналтирилган. Бундан ташқари, ундирилган солиқ даромадлари «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари, аҳоли бандлигини таъминлашга сарф этилгани Ҳисоб палатаси зиммасига юклатилган вазибалар самарали ташкил этилгани натижаси, дейиш мумкин.

Этиборли жиҳати, палата мутахассислари томонидан бюджет ижросини таъминлашда йўл қўйилган камчиликлар ҳам эътибордан четда қолмаган. 2018 йилда ўтказилган 180 та ўрганиш ва назорат тадбирларида 1 трлн. 197 млрд. сўм ва 74,2 млн. долларлик молиявий хато-камчиликлар ва самарасиз харажатлар, бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари, жумладан, 4 та олий таълим объекти қурилишида 1,9 млрд. сўмлик қўшиб ёзиш ва ишларни сифатсиз бажариш каби камчиликлар, 50 млрд. сўмга яқин бефойда харажатлар, қамомат аниқланган. Бундан ташқари, Республика йўл жамғармаси ҳисобидан четдан харид қилиниб, пудратчиларга берилган 19 млрд. сўмлик битум қиймати молиялаштириш даврида ушлаб қолинмагани, келгусида бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик, назоратни кучайтиришни тақозо этади.

риш дастурларига, Давлат бюджетни захираларини аниқлаш ҳамда уларни ишга солишга, мажбурий тўловлар йиғилувчанлигини оширишга, Президентимизнинг олий даражадаги таширфлари давомида имзоланган ҳужжатлар, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларининг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бундай тартиб-тамоийил келгусида ҳам мамлакатимизда ҳисоб-китобларнинг аниқ, ошқора бўлиши, Давлат бюджетни даромадларининг шаклланиши, харажатларнинг тўғри режалаштирилиши, тақсимланиши ҳамда мақсадли ишлатилишини таҳлил қилишга замин ҳозирлайди.

Шу нуқтаи назардан айтганда, бугунги изчил ислохотларда Давлат бюджетни харажатлардан оқилона фойдаланиш, давлат молиясига ижросини таъминлаш, солиқ соҳасида ислохотларни амалга ошириш ва бюджетга қўшимча даромад манбаларини аниқлаш бўйича ишларни мунтаза давом эттириш талаб қилинади. Бунда давлат ва ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланти-

ягона мақсад эмас, балки тартибга солиш тизимининг ажралмас қисмидир. Бинобарин, молиявий назоратсиз давлатнинг иқтисодий ва молиявий тизими барқарор фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Демак, молиявий назорат соҳасига янги истиқболли тизимлар ва усуллари жорий қилиш тўбора долзарблик касб этмоқда.

Айниқса, молия соҳасида интизомга риоя қилиш, бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидagi мажбуриятларини бажариш ҳамда молиявий қонунчилик амаж қилиниши жамиятда нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, маънавий ва қримноген барқарорлик гарови ҳамдир.

Уз навбатидa, бюджет маблағларининг тўғри ишлатилиши миллий иқтисодий тизимнинг ривожлантириши, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш суъятларини ошириш, илмий-техник тараққиётни ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар ва кўрсатилмаётган хизматларнинг сифатини оширишнинг ягона омил қисобланади.

Хулоса ўрнида айтганда, давлат молиявий назоратининг асосий вазибаларидан бири, бу — бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланилишига йўл қўймаслик орқали давлат молиявий сиёсатининг амалга оширилишига қўмақлаштириш иборат. Бу масъулият ҳалқ вакиллари сифатида бизнинг ҳам зиммамизда.

Қувондиқ САНАКУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Сув исрофига йўл қўйилмайди

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 29-30 март кунлари Бухоро вилоятига таширфи давомида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиб, аҳоли турмуш даражаси, ҳудуд иқтисодий салоҳиятини оширишга қаратилган лойиҳалар юзасидан зарур топшириқ ва тавсиялар берган эди.

Президент ташрифидан сўнг

Айни пайтда ушбу вазибаларнинг изчил ижросини таъминлаш мақсадига кенг қўламли ишлар олиб бориламоқда. Буни биргина ирригация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ тадбирлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг топшириғига кўра, мазкур йўналишдаги юмушлар учун 20 миллиард сўм миқдорда қўшимча маблағ ажратилади.

Воҳда экин ерларининг шўрланиши даражаси юқори. Сув тақчил. Ваҳоланки, тупроқда етарли намлик бўлмаса,

Ромитан, Когон, Олот туманларидаги ирригация тармоқлари реконструкция қилинади, суғориш тик қудуқлари қурилади, — дейди қорхона бош муҳандиси Рустам Адизов. — Бу юмушларни бажаришга замонавий машина ва механизмлар жалб қилинади.

Президентимизнинг топшириғига кўра, Бухоро вилоятида ирригация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ юмушлар учун 20 МИЛЛАРД СЎМ миқдорда қўшимча маблағ ажратилади.

«Аму-Бухоро» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги мелиоратив экспедиция бўлими бошлиғи Худойберди Шоназаровнинг билдиришича, бу юмушлар воҳда сувдан оқилона фойдаланиш, ер унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлигини ошириш имкони-

ятини яратмоқда. Дейлик, Бухоро туманида бажарилган кенг қамровли тадбирлар туфайли 2018 йилда ер ости сизот сувлари сати 2017 йилдагига нисбатан олти сан-

тиметр пасайди. Ўз навбатидa, пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 1,5 центнер, галла ҳосилдорлиғи эса 2-3 центнер қўлайди. Шу маънода, давлатимиз раҳбари топшириғига асосан ажратилган қўшимча маблағ ҳисобига вилоятдаги

22 минг гектар майдонда сув таъминоти яхшиланиб, қишлоқ ҳўжалиғи экинларидан мўл ҳосил олиш эвазига аҳоли даромадига даромад қўшилади.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).



Хушхабар

Мингбулоқда дастлабки нефть оқими чиқди

Мингбулоқ тумани ҳудудидa аниқланган нефть қонларини ўзлаштириш бўйича дастлабки амалий натижага эришилди. Бу ерда М-15 қудуғини бурғилашдан сўнг олиб борилаётган бирламчи синов ишлари доирасида биринчи нефть оқими олинди.

Бой захирага эга Мингбулоқ нефть қонида ер ости бойлиқларини ўзлаштириш тадбирлари анча мураккаб бўлиб, бу ишга Хитой Халқ Республикасидаги CNPC миллий нефть-газ корпорациясининг бой тажрибага эга мутахассислари, илгор технология воситалари жалб қилинган. Лойиҳа ижроси масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Мингбулоқ-нефть» Ўзбекистон — Хитой қўшма қорхона томонидан амалга оширилмоқда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

Ҳокимият «режимний» объектми?

Белгиланган режага кўра, Пастдарғом тумани ҳокимлиги-га бордик. Ҳокимиятнинг муҳта-шам биносига кириш дарвоза-си замонавий кулф билан ёпиб қўйилди. "Туман ҳокими қабулхонаси" деган кўрсаткич белгига кўзимиз тушди. Атрофи қарийб 4-5 метр келадиган пан-жаралар билан ўралган тўсиқ бўйлаб махсус турникетли хона-га яқинлашдик. Тўрт-беш аёл ҳамда гўдақларнинг маъёс ни-гоҳи эътиборимизни тортди.

— Опалар, биз муҳбиримиз. Балки сизларга ёрдамимиз тегиб қолар?! — Бизнинг дардимиз оғир, ака, — дейди шу тумanning Гўзалкент маҳалласидаги 4-уйда истиқомат қилувчи Зулхумор Чўлиева ва Шахло Шодиева.

Таассуф

— Туман ҳокими Шунқор Фармонович ашайтган уйимиз-ни "аварийний", дея бизни кўча-миз самарасиз тугагач, мажбу-ри ҳокимият биносидан бир ходим тушиб, ўзини ҳокимликнинг ташкилий-назорат бўлими раҳ-бари Обид Облақулов деб таништирди.

Бозоров ёлланма мардикорлик билан шуғулланади, — дея кўшим-ча қилади Зулхумор Чўлиева. — Узи зўра кун кечирсак...

...«Фуқаролар қабулхонаси». Ичкарида Мазмуна Маркаева исмли мутахассис.

— Сиз фуқаролар кириб-чиқишни назорат қиларкансиз, шундайми?

— Шундай, бу тартибни ҳокимимиз Шунқор Фармонович жорий қилган. Биз оддий иж-рочимиз, холос... У киши вило-ятда ишлаганларида шу тартиб-ни жорий қилган экан.

Мақола сарлавҳасини бизга Пастдарғом тумани ҳокимлиги ташкилий назорат гуруҳи раҳ-бари Обид Облақулов топиб берди. Яъни ҳокимият "режим-ний" объект экан. Саволга ту-таман: — Кечирасиз-у, биринчи мар-

та эшитишим, ҳокимият "ре-жимний" объект эканлигини?

— Шунча, ака, истаган одам кириб чиқаверадиган жой эмас бу идора. Масалан, кеча бири "махсус" идораданман, дея хуж-жат кўрсатиб кириб кетибди. Кейин аниқласак, бу одам у "жой"да ишлаган экан...

Қотиб қолдим. Ҳаёлим тин-май гоҳ тоғдан, гоҳ боғдан ке-лаётган туман ҳокимлиги таш-килий назорат бўлими раҳбари-нинг гапларида эди...

Савол тугилади: туман ҳоки-ми тумандаги биринчи расмий шахс бўлса, қолаверса, бирин-чи сектор раҳбари шу қадар ихоталанса, одамлар арзу до-дини кимга айтсин? Мутасад-дилар бу халатга нима дер-кин?

Умид СОРИЕВ («Халқ сўзи»).

TRANСПОРТ ТИЗИМИ ЯНГИЛИКЛАРИ



Замонавий автовокзал

Яқинда Зомин туманида замонавий автовокзал фойдаланишга топширилди. 1,7 гектар майдонни эгаллаган автошоҳбехат иншоотларини барпо этиш учун 6 миллиард 300 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бу ерда йўловчиларга учун шароитлар мавжуд. Янги мажмуа таркибида автобус, микроавтобус ва йўналиши таксилар учун алоҳида кутибхона бунёд этилган. Автотранс-портларни техник кўриқдан фуқароларнинг худуд бўйлаб эмин-эркин ҳаракатланиши

Юртимизга Европада оммабоп тезюар электропоездлар келтирилади

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан Швейцариянинг "Штадлер-Минск" компанияси билан янги электропоездларни харид қилиш масаласида музокара олиб борилмоқда.



Ушбу компаниянинг "Stadler FLIRT" электропоездлари юқори тезликда ҳаракатланиши билан ажралиб туради. Улардан юртимиз темир йўлларида фойдаланилиши эса тизимни халқаро талаблар ва стандартлар даражасига кўтариш, хиз-мат кўрсатиш сифати ва даражасини юксалтириш, мамлака-тимиз туризм салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, тезлиги 160 км/соатни ташкил қилувчи "Stadler FLIRT" поездлари Европанing бир қатор шаҳарла-рини бир-бири билан боғлаб туради ва улар хавфсизлиги, қўлайлиги ҳамда оммабоплиги билан ном қозонган.


Марказ билан боғлайди

Юртдошларимиз мурожаатларидан келиб чиқиб, Тошкент шаҳар транспорт бошқармаси томонидан Янги Сергели мавзеси аҳоли пунктини шаҳар маркази ва метро бекатлари билан боғловчи янги йўналиш ташкил этилди.

Жумладан, 133А — Янги Сергели мавзеси — "Олмасор" метро бекати йўналиши фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу йўналишда мавзусулар 4 та ҳаракат жадвали асосида қарийб 7 километрик қисқа масофа оралиғида ҳаракатла-нади.

Пойтахт кўчаларида ретро-автомобиллар

Тошкент шаҳрида ўнлаб ретро-автомобиль ва мотоцикллар, юзлаб маҳаллий автотранспорт воситалари юртимиз байроғини кўтариб, ҳарбий оркестр садолари остида 25 километрик масофани босиб ўтди.



Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳамда "Retro Uz" клуби билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур акция нафақат иштирокчиларда, балки пойтахт аҳли ва меҳмонларида кат-та таассурот қолдирди.

Автомобиль Кўролли Кўчалар Академиясининг марказий дарвозаси олдида бошланиб, Тошкент Кичик ҳалқа йўли ҳамда Бунёдкор ва Алишер Навоий кўчалари бўйлаб ўтди.

Дилмурод СОДИҚОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ЭЪЛОН

Маънавият

Эзгулик, саховат ва шукроналик оғи

Рамазон ойи фаёзу футуҳ ва шодлик билан кириб келди. Моҳи Рамазон — саховат, меҳр-муруват ва эзгулик оғи. Шу боис уни барча мўмин-мусулмон интиқлик билан кутади ва исломнинг беш рункидан бири бўлган муборақ рўза ибодатини адо қилади.

Президентимизнинг 2019 йил 1 майдаги "Муборақ Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги қарори қалб-гимизга кўтаринқилик, қувончимизга-қувонч қўшди. Унда мутасадди ташкилотларга Рамазон ойини миллий анъана ва қадриятлар руҳида ҳар томонлама муносиб ўтказиш учун зарур чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Маълумки, юртимизда улғувор исплоҳотлар амал-га оширилмоқда. Бугунги кунда ҳар бир қарор, Фармон ҳамда ишлаб чиқилаётган қонунларнинг барчаси халқни рози қилиш, одамларнинг оруз-умидларини рўёбга чиқа-риш мақсадида қабул қилинмоқда. Шу маънода, юртимизда миллий ва диний қадриятларга эътибор ҳам дунё халқлари таҳси-нига лойиқ даражада бўлмоқда. Биз буни маъ-навиятимизнинг буюк сиймолари бўлиш Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний каби улғу аждодларимиз-

очилиб, йўқсиллар ҳоли-дан хабар олинади, қавму қариндош ҳамда ён-атро-фимиздаги ёрдамга муҳ-тож инсонларга маънавий ва моддий қўмаклар бе-рилади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васал-ламнинг Рамазон ойи келганда саховатлари яна-да бекиёс, беназир бўлга-ни ҳадиси шарифларда келтирилади. Шундай экан, бу ойда тева-роқ-ат-рофимиздагиларга мод-дий ёрдам билан бирга, маънавий қўмак ҳам бе-ришимиз лозим. Йўлини йўқотган инсонга насиҳат ва маслаҳат билан, боши-га ғам-ташвиш тушган ки-шига ғамқўрлик билан қўл чўзишимиз керак. Гоҳида бир онлик эътибор бир қанча моддий хайру сахо-ватдан ҳам зиёда бўлади. Зеро, бу кунларга етган-лар бор, етмаганлар бор. Ниятимиз — юртимиз тинч, хонадонларимиз обод, касб-корларимиз сербаракот, ризқимиз зиёда бўлсин. Аллоҳ тао-ло ушбу ойда бажараёт-ган ибодатларимиз ва эзгу амалларимизни дар-гоҳида қабул қилсин.

Хайрулла ТУРМАТОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Тошкент вилояти вақили, вилоят бош имом-хатиби.

ҲАДИС ИЛМИ МАКТАБИДА

ислом илмлари бўйича етакчи ўқитувчилар берди

Президентимиз жорий йил 11 январь кун Самарқанд вилоятига ташрифи давомида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадис илми мактаби фаолияти билан танишар экан, ушбу табаррук манзилда буюк аждодларимизга муносиб ворислар тайёрлаш, Ҳадис илми мактаби ўқув фаолиятига замонавий педагогик технологияларни кенг татбиқ этиш бўйича топшириқлар берган эди.



Таълим

Шу мақсадда кун кеча Ўзбекистон халқаро ислом академиясида Ҳадис илми мактабининг профессор-ўқитувчилари учун малака ошириш ўқувлари ўтказилди. Дин ишлари бўйича кўмита, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамкорлигида ташкил этил-ган ўқувларда Ҳадис илми мактабининг бўлажак 20 нафар ўқитувчиси ишти-роқ этди.

Тингловчилар "Ўқув жараёнида педагогик технологиялар ва интерфаол услубларни қўллаш", "Ўқув, педа-гогик фаолият, маҳорат маданияти техникаси ва бош-қарув ечимини", "Таълим те-хнологиялари", "Таълим шак-ллари ва методларига қўйи-ладиган замонавий талаб-

Эътибор

Ҳарбий хизматчилар учун уйлар

Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида истиқомат қилувчи 92 ёшли Кўчин Чориев Бухорода хизмат бурчини ўтаётган невараси Хуршиджонга янги уй берилётганини эшитиб, қадимий ва навқирон шаҳар сари йўл олди.

— Етмиш нафар неварам бор, — дейди отахон. — Фарзандларимнинг барчаси ўқиган. Хуршиджонни таби-рикланган келдим. Шу ба-хонада Бухоронинг табаррук қадамжоларини ҳам зиёрат қиламан.

Шаҳарнинг Истиқлол маҳалласида 90 хонадон-га мўлжаллаб қурилган беш қаватли учта уй шинам ва яшаш учун қулай.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

«Ноу-хау»ларга таянган давлат юксак чўққиларни эгаллайди

Давлатимиз раҳбари "Инновация — бу келажақ дегани. Биз буюк келажақи-мизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак", дея бежиз таъкид-ламаган.

Бинобарин, илм-фан, таълим ва иқтисодиётнинг реал сектори ўртасидаги ўзаро алоқаларни таъминлаш учун технологик платформа яратиш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Инновацион ишланмаларни татбиқ этиш илмий-амалий маркази ташкил қилинди. Марказ энг замонавий компьютер, мультимедиа, лаборатория ва бошқа зарур асбоб-ускуналар, асосийси, тажрибали, ёш ҳамда умидли кадрлар билан таъминланди.

Инновация

Президентимизнинг ижтимоий, маъ-навий-маърифий соҳалардаги ишлар-ни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурган беш муҳим та-шаббуси саъй-ҳаракатларимизни янги асосда ташкил этишга ундамоқда. Жум-ладан, аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ҳамда ин-тернетдан самарали фойдаланиш, ёшлар ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш бўйича қатор лойиҳалар-ни ҳаёта татбиқ этилди.

Юртимизнинг энг чекка худудлари аҳолисини электрон кутубхона билан таъминлашга қаратилган лойиҳамиз то-бора омдаллашиб бормоқда. Бунда мар-казимиз томонидан яратилган Q-box мотасамаси муҳим аҳамият касб этаё-тир. Унинг контентида дарсдан ташқа-ри адабиётлар, қўланмалар жой-лаштирилган. Хусусан, мотасамаси Edu.uz портали ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси база-сига уланган. Яъни Q-box ичида улар-даги мавжуд барча маъна мажмусам-ланган. Ўз навбатида, ёшларнинг за-коватини чарқалайдиган, маънавиятни юксалтирадиган мантиқий ўйинлар, ҳик-матли сўзлар ҳам жой олган. У худди Wi-Fi тизими каби ишлайди. Унга смартфон ва бошқа мобил алоқа воситалари орқали бемалол уланаб, ўзин-гизга зарур китобни топиб ўқишингиз мумкин. Айни пайтда ушбу инновацион

қурилма Қашқадарё, Хоразм вилоятла-ри, Қорақалпоғистон Республикасида-ги чекка-чекка таълим муассасалари-даги компьютерларга ўрнатилди. Ҳозирги кунда ушбу эзгу лойиҳа водий вилоятларида ҳам давом эттириляпти. Яқинда Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги мактабларга ана шундай маърифий янгилик олиб кирилди.

Нега айнан олис худудларга? Саба-би бу жойларга ҳали интернет етиб бормаган, етиб борган бўлса ҳам тез-лиги талаб даражасида эмас. Шу боис Q-box қурилмасидан нафақат ўқувчи ёки ўқитувчилар, балки ота-оналар ҳам бирдек хурсанд бўлишмоқда.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Сир-дарё вилоятига амалга оширган таш-рифи чоғида аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масаласига ало-ҳида эътибор қаратди. Шу бўйича бе-лгилаб берилган вазифаларни изчил ижро этишда марказимиз ҳам фаол бўлмоқчи. Жумладан, айни пайтда Сир-дарё туманидаги Педагогика коллежи худудида марказ қошида давлат муас-сасаси шаклидаги мактабгача ёшдаги болалар инновацион технопаркни ўз ичига олган "Бизнес-акселератор" ўқув-амалий маркази қурилмоқда. Хитойнинг энг илғор технологиялари ва асбоб-ус-куналар билан жиҳозланган маз-кур замонавий мажмуада аҳоли, хусу-сан, ёшлар ҳамда хотин-қизларга касб-

Шаҳобидин ШАРИФОВ, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази директори.

Advertisement for OGU (Oil and Gas University) featuring a large image of an industrial facility. Text includes: "2019 йил 15 | 16 | 17 май Тошкент шаҳри, «Ўзэксепомарказ».", "ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ ва ГАЗИ 23-халқаро кўргазмаси", "OGU", "Ўзбекистон Нефть ва Газ Иқтисодиёти Университети", "Фабрика соҳа мутахассислари тақлиф этилади!", "Ташкилотчи: Итека, ITE", "ONLINE РҮЙХАТДАН ҲАМ ОНЛАЙН ҲАМРАФ", "Uzbekeftegaz", "Guvohnoma № 3583".

ОМОНАТЛАР МАСОФАДАН БОШҚАРИЛАДИ

«Ипотека-банк» шу ва бошқа замонавий хизматлар афзалликлари хусусида маълумот берди.



Одамлар ҳаёт тарзини енгилаштиришга қаратилган ҳар қандай янгилик жуда тез оммалашади. Айниқса, бу вақтимизни ҳам, нақдимизни ҳам тежашга, ортиқча оврагарчиликларга чек қўйишга йўналтирилган бўлса...

Бугунги кунда ана шундай имкониятларни мамлакатимиз банк тизими ҳам аҳолига тақдим этиб келаётир.



Масалан, молия муассасалари мижозлари ўз ҳисоб рақамлари ҳақида маълумот олиши, уларни бошқариши, кредитларини сўндириши учун банкка атайин келишлари шарт эмас. Пластик карточкалар орқали хорижий валюталарни сотиб олиш, картадан-картага пул ўтказиш каби амалиётларни бажаришда ҳам шундай қулайлик яратилган.

Яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ипотека-банк» АТИБ томонидан ташкил этилган анжуманда ана шундай янгиликлар ва уларнинг афзалликлари ҳақида журналистларга батафсил маълумотлар берилди. Тадбирда касса хизматларини универсаллаштириш, коммунал тўловлар, валюта айирбошлаш, халқаро пул ўтказмалари орқали маблағларни жўнатиш ёки олиш, омонатларни расмийлаштириш, пластик карточкалар воситасида операцияларни амалга ошириш, мобил иловалар каби банк хизматлари сифатини яхшилаш ҳамда мижозларга қулайликлар яратиш каби мавзуларда сўз юритилди.

Хусусан, «Ипотека-банк» АТИБ бошқаруви раиси ўринбосари Махмуд Абдурахмонов таъкидлаганидек, юртимиздаги изчил иқтисодий ўзгаришларда «Ипотека-банк» жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ҳозирги кунда мазкур молия муассасаси ўз хизматларини оммабоплаштириш, аҳолига универсал банк хизматларини тақдим этиш юзасидан қатор иш-

ларни олиб бораётир. Бунинг амалий натижаси кўрсатилаётган хизматларни электрон шаклда, интернет орқали амалга ошириш имкониятлари кенгайиб бораётганида ҳам кўзга яққол ташланапти.

Бинобарин, «Ипотека-банк»да мижозларга кўрсатилаётган чакана банк хизматлари сифатини ошириш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳамда тақлиф этилаётган хизматлар истиқболлари хусусидаги маълумотлар ҳам журналистларни бефарқ қолдирмади. Бу ҳақда «Ипотека-банк» АТИБ Чакана амалиётлар бошқармаси бўлим бошлиқлари молия муассасаси томонидан аҳолига тақдим этилаётган электрон омонат турлари, масофадан туриб бошқаришчи омонатлар турисидан иштирокчиларга тушунча берилди. Халқаро пул айланмалари тарифлари, бу борада яратилаётган қулайликлар ва имтиёзлар, тизимда ўтказилаётган акциялар ҳам тадбир иштирокчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди.

Анжуманда қайд этиб ўтилганидек, айни кунда мамлакатимизда банк томонидан ўрнатилган терминаллар сони 27 580 тага етказилди. Шунингдек, 1,5 миллиондан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилди. Бундан

ташқари, 180 дан зиёд банккомат ва инфокиосклар аҳоли гавжум жойларга ўрнатилди.

«Ипотека-банк» тизимида 71 валюта айирбошлаш шохобчаси фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларда VISA карточкаларидан АҚШ доллари нақд кўринишда ечиб берилаяпти. Бугина эмас. Мижозлар мобил иловалар ёрдамида банк «электрон ҳамён»ларидан фойдаланиб, ўз ҳисоб рақамларини масофадан туриб бошқаришлари мумкин. Албатта, мазкур амалиётлар бошқа банк мижозлари учун ҳам бирдек қўлланилади.

«Ипотека-банк» матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги ҳузуридаги
Автомобиль йўллари қўмитасининг
«Умумий фойдаланишдаги
автомобиль йўллари қуриш
ва реконструкция қилиш дирекцияси»

ДУК жамоаси юртдошларимизни

9 май —

Хотира ва Қадрлаш кuni

билан муборакбод этади!

Барчамиз ота-боболаримизнинг
эзгулик йўлида кўрсатган
жонбозлик ва жасоратини
ҳамиша ёдда тутамиз
ва қадрлаймиз.



Тилагимиз дунёда
тинчлик-осойишталик
барқарор бўлсин!

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банки жамоаси

9 май — Хотира ва Қадрлаш кuni билан юртдошларимизни табриклайди ва миллий валютада қуйидаги муддатли омонат турини тақлиф этади:

«ХОТИРА»

Омонатга йиллик 21 фоиз ҳисобланиб, сақлаш муддати 13 ойгача. Омонат фақатгина Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва Афғонистон Республикасида жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ ҳарбийлар учун очилади.

Шу билан бирга, «Асака» банки миллий ва хорижий валютадаги 10 дан ортиқ турдаги қулай шартларда муддатли омонат турларини тақлиф қилади. Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалида очиш мумкин. Мурожаат учун: «Асака» банки филиаллари телефонлари:

78-120-26-14, 78-120-26-15

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	78	120-83-13	Наманган вилояти филиали	69	227-15-68
«Автотранспорт» филиали	78	120-39-95	Навоий вилояти филиали	436	770-21-29
Шайхонтохур филиали	78	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	78	150-93-86	Бухоро вилояти филиали	65	770-05-19
Сергели филиали	71	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	65	770-11-27
Тошкент вилояти филиали	78	120-84-13	Самарқанд вилояти филиали	66	233-65-47
Андижон вилояти филиали	74	223-60-74	«Афросиёб» филиали	66	221-71-76
Асака филиали	74	233-21-99	Қашқадарё вилояти филиали	75	221-07-41
«Фарҳод» филиали	74	226-96-93	Сурхондарё вилояти филиали	76	770-82-12
Фарғона вилояти филиали	73	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	61	770-60-59
Марғилон филиали	73	237-62-23	Хоразм вилояти филиали	62	228-14-81
Олтиариқ филиали	73	432-19-80	Сирдарё вилояти филиали	67	225-44-03
Кўкөн филиали	73	542-61-01	Жиззах вилояти филиали	72	226-43-11

Омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- декларация қилинмайди;
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган;

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган.

«Асака» банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали
ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ
гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.
Профнастил учун материал сифатида ролондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

- 0,4 мм. — 42 600 сўм/п.м.
- 0,5 мм. — 50 400 сўм/п.м.
- 0,45 мм. — 45 600 сўм/п.м.
- 0,7 мм. — 70 200 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3005, 6005, 8017 0,45 мм. — 55 200 сўм/п.м.
- RAL 3005, 6005, 8017 0,5 мм. — 62 400 сўм/п.м.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тел.: 99-535-00-65, 95-197-00-93, 99-871-88-99.

Ушбу жойда **СИЗНИНГ** рекламаниз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама — **БИЗНЕСНИНГИЗНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ!**

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamax@mail.ru, reklama@xs.uz

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 59 385 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахриратта келган кўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг ёзиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета тахрират компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан сақланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Каримова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. Ўза яқини — 23.00 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6